# Мавзу:

# ШАМОЛЛАР

# Бора

Совуқ шамол, унча баланд бўлмаган тоғ тизмалари устидан ошиб ўтиб, қуруқликдан денгизга томон асосан совуқ даврда эсади.



# Пассатлар, ғарбий шамоллар, қутбий шамоллар



# Пассатлар

**Шимолий яримшар тропик кенгликларининг шимоли-шарқий, жанубий яримшарнинг жануби-шарқий шамоллари**




blue: westerlies
yellow:trade winds (northeasterly)
1: hurricanes
2: cyclones
1
2

# Тайфун

**Жануби-шарқий Осиёдаги тропик циклон**





# Бриз

**Бир кеча-кундуз давомида ўз йўналишини икки марта ўзгартирувчи, сув ҳавзаларидан қуруқлик томон ва аксинча эсувчи маҳаллий шамол**




***А: кундузги бриз***

***В: тунги бриз.***

# Фён

**Тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга юқоридан пастга қараб эсувчи илиқ ва қуруқ кучли шамол**






# Хамсин

Яқин Шарқ мамлакатлари ва Африканинг шимоли-шарқида эсувчи иссиқ, қуруқ, кучли жанубий ва жануби-ғарбий шамол, асосан март, апрель ва май ойларида эсади.





# Циклон

(Юнонча *циклон* — айланувчи)— атмосферанинг паст босимли қисмлари. Кўпинча икки хил ҳаво массаси чегарасида (ҳаво фронтида) ҳосил бўлади. Унинг марказида ҳаво босими кам, атрофда юқори бўлади. Шамол атрофдан циклон маркази томонга эсади.



# Довул

Кучли шамол, тезлиги 30 м/сек., кўпинча талофат келтиради, кўпроқ тропик ўлкаларда эсади.






# Торнадо

**АҚШда тез-тез такрорланиб турадиган жуда кучли қуюннинг номи. АҚШнинг шарқий, жануби-шарқий қисмида ҳар йили кузатилади**





# Шквал

Кучли ўқтин шамол, кўпинча кучли ёғинга сабаб бўлади, тезлиги 20-30 м/сек.



# Штиль

Сокинлик ёки жуда кучсиз шамол (0,5 м/сек), экваториал ўлкалар учун хос



# Қуюн, гирдоб

Момақалдироқли булутлар паст бўлганда вужудга келадиган айланма шамоллар, соат стрелкасига тескари ҳаракатланади, тезлиги 100 м/с гача етади





# Муссон

Йил давомида ўз йўналишини икки марта ўзгартирувчи шамоллар, материкларнинг шарқий қирғоқларида қишда материкдан океанга, ёзда эса аксинча эсади, ёғин келтиради






# Бўрон

Тезлиги секундига 100 м дан ортадиган жуда кучли шамол. Бўронлар одатда циклонларнинг салқин фронтида, антициклон чеккаларида рўй беради.

Денгизда кучли тўлқинларга, чўлларда қум, чанг кўчишига сабаб бўлади





# Сирокко




- Арабча *шарқ* сўзидан олинган.
- Ўрта денгиз ҳавзасида циклонларнинг олд қисмида жануб ва унга яқин томонлардан эсадиган иссиқ шамол. Ўрта денгиз ҳавзасининг ғарбида бироз нам, шарқий қисмида қуруқ ҳаво келтиради. Баъзан чанг тўзонли бўлади.

# Эътиборингиз учун раҳмат